



Ўлкада XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб чор Россиясининг мустамлакачилик, улуг давлатчилик, шовинистик сиёсати маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракатлари бошланишига асосий сабаб бўлди.

Тарихий манбаларда, архив ҳужжатларида чор Россияси кўшинларининг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши билан, унга қарши халқ озодлик ҳаракатлари бошланганлиги ва бу чор ҳукуматининг ағдарилишига, қолаверса мустақилликка эришганимизга қадар давом этганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Бу маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқларининг қоризмга қарши олиб борган қуйидаги энг йирик ва оммавий тус олган курашларини қайд қилишимиз мумкин: 1837-1846 йилларда Султон Кенесарин раҳбарлигидаги, кейинчалик Бухоро амирлигининг, Шаҳрисабз беклигидаги ҳаракатлар, 1871 йилда Эшон Эшмуҳаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чиқишлар; 1871 йилдаги Фарғонада Етимхон кўзғолони; 1872 йилда Чирчикдаги исёнлар, 1873-76 йиллар Кўкондаги Пўлатхон кўзғолони; 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони; 1898 йилдаги Андижонда Дукчи Эшон кўзғолони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар, 1916 йилдаги Жиззах кўзғолони ва бошқалар.

XIX аср 70-йиллар бошларидаги Фарғонадаги халқ ҳаракатларини алоҳида қайд этиш лозим. 1868 йилда Кауфман билан сулҳ шартномаси тузиб, Кўкон хонлигининг катта ҳудудларини Россия ихтиёрига берган ва Россия ҳукмронлигини тан олган Худоёрхон сиёсатидан нафакат оддий халқ, балки йирик ер эгалари ҳам норози эдилар. Кўкон хонлигида элчи ва жосус вазифасини бажарган полковник Шауфус маълумот-ларига қараганда норози беклар тепасида Абдурахмон офтобачи турган. 1872 йилда хон сиёсатига қарши халқ ҳаракати айниқса кучайди. Бундан фойдаланган Абдурахмон офтобачи ўз таниши мулла Исхок Хасан ўглини киргизлар орасида Пўлатхон номи билан кўзғолон кўтаришга ундайди ва ўзи ҳам бу ҳаракатга қўшилади. 1873 йилда бошланган бу кўзғолонда оддий халқ, дехконлар, хунармандлар фаол иштирок этдилар ва бу ҳаракат бутун Фарғона водийси бўйлаб ёйилди. Худоёрхоннинг ўгли Насриддинбек бошчилигидаги хон кўшинлари ҳам кўзғолончиларни қўллаб-қувватладилар. Бу воқеадан кўрқиб кетган Худоёрхон рус ҳокимиятидан бошпана сўраб, Тошкентга кочди. Кўкон тахтига унинг ўгли Насриддинбек (1875-76) хон қилиб кўтарилди.

Кўзғолончилар келишувига биноан эса Пўлатхон хон этиб сайланиши керак эди. Насриддинбекнинг хонликка кўтарилиши ва унинг ҳам руслар билан келишув сиёсатини олиб бориши, кўзгонлочилар ўртасида норозилик келтириб чикарди. Натижада Маргилон, Наманган, Андижон ҳудудларида Пўлатхон тарафдорлари ерларни камбағалларга бўлиб бериб, хон сиёсатига қарши чиқдилар. Кўкон хонлигининг русларга қарашли бўлган ерларида ҳам норозилик чиқишлари авж ола бошлади. Бу рус ҳукумати хавотирга солиб қўйди ва Кауфман Кўкон хонлигини тугатиш тўғрисида подшонинг розилигини сўраб, илтимоснома жўнатди. Кўкон хонлиги ҳудудига эса Скобелев бошчилигида ҳарбий жазо отряди киритилди. Бу вақтда Насриддинхон ҳокимиятдан четлаштирилиб, водийда Пўлатхоннинг мавқеи ошиб кетган эди. Ҳарбий жихатдан устун бўлган рус қўшинлари кўзғолончиларни тезда мағлубиятга учратди. Пўлатхон қўшинлари ҳаракатининг иккинчи боскичи 1875 йили Охангарон, Телов, Пскент ва Тошкентда бўлиб ўтган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ҳаракатларда каттик зарбага учраган кўзғолончилар 1876 йили Андижонда, Олой водийсида курашни давом эттирдилар. Аммо ҳарбий жихатдан кучлар тенг эмас эди. 1876 йил 1 мартда Пўлатхон тутиб олиниб Маргилонда осиб ўлдирилди. Бошқа кўзғолончилар ҳам каттик жазоланди. Подшонинг буйруғи билан Кўкон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди.

Фарғона водийсида бўлиб ўтган 70-80-йиллардаги халқ ҳаракатларида Ёурбонжон додхоҳ, Етимхон, Дарвишхон тўра, Ёкуббек бошчилигидаги кўзғолончиларни алоҳида қайд қилишимиз зарур. Курбонжон додхоҳ рус қўшинларига қарши курашда шарқ аёлларининг қаҳрамонлигини, жасоратини намоён этди. Манбаларнинг маълумот беришича, генерал Скобелев сулҳ тузиш учун майор Ионовни Курбонжон додхоҳ ҳузурига жўнатади. Аммо Курбонжон додхоҳ майорни қабул қилмай факат ўз мавқеи билан тенг бўлган саркарда билангина музокаралар олиб бориши мумкинлигини билдиради. Чорасиз қолган рус генерали Скобелев у билан сулҳ тузишга ва уни «Олой маликаси», деб тан олишга мажбур бўлди. Курбонжон додхоҳнинг набиралари 1898 йилги миллий озодлик кўзғолонида ҳам фаол қатнашганлар Рус амалдорлари доимо Олой маликасидан хайиқишган. Шунинг учун губернаторлар унинг олдида тез-тез келиб туришган. 1901 йилда Россия империяси Курбонжонга императрицанинг совғасини шахсан топширган. Курбонжон додхоҳ 1907 йилда Ўшда 96 ёшида вафот этган.

Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачиларга қарши курашида Ёкуббек ва у бошқарган Ёттишаҳар давлати (1865-1877) ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки улар Кўкон, Бухоро, Хива ватанпарварларининг рус босқинчиларига қарши курашларида ёрдам бериб туришган. Шу сабабли Туркистондаги сўнги мустақил давлатни тугатиш Россия учун кечиктирилмас вазифа бўлиб қолди. 1877 йил 22 июнда рус қўшинининг ўулжага бостириб кириши шу мақсадни амалга оширишга қаратилган эди. Амир Ёкуббекнинг тўсатдан вафот этиши Ёттишаҳар давлати қўшинининг мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. Окмачит, Чимкент, Тошкент мудофааларини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган Ёкуббек Туркистон озодлиги учун кураш йўлида жон бахшида этган қаҳрамонларимиздан биридир.

1878 йили Мингтепада чоризмнинг сиёсий-иқтисодий зулмига қарши Етимхон бошчилигидаги ғалаён қўтарилди. Бундай ғалаён 1879 йилда Фарғона вилоятида ҳам содир бўлди. Бу кўзғолонлар куч билан бостирилса ҳам аҳолининг қаҳр-ғазабидан ҳавфсираган Фарғона вилояти губернатори ғайри-қонуний солиқ йиғувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлди.

1889-1890 йилларда Фаргона водийси ва Тошкент ҳудудларида кўплаб халк ҳаракатлари, курулли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Шулардан бири Дарвешхон кўзғолонидир. Андижон уездининг Кўргонтепа волостида юкори табакага мансуб бўлган ватанпарвар Дарвешхон кўшин тўплашга киришди. У мустамлакачилик тузу-мига қарши очикдан-очик курулли кўзғолонга тайёргарлик кўрди, аммо Фаргона ви-лояти ҳарбий маъмурлари катта қуч юбориб Дарвешхон қучларини тор-мор этди, унинг ёрдамчиси Мўминбой ушлаб олиниб, дорға осилди.

1892 йилги кўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда рус ҳукуматини ўлканинг бир қанча шаҳарларида вабо қасали тарқалишининг олдини олиш учун Тошкент шаҳрида қўрилган чора-тадбирларига қарши қўтарилган кўзғолон деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғолон чор Россиясининг ўлкада қўп йиллар давомида олиб борган мус-тамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган эди.

Рус ҳукуматининг вабони олдини олиш учун қўрган чора-тадбирлари давомида маҳаллий аҳолининг диний эътиқодлари, урф-одатлари ҳисобга олинмаганлиги на-тижасида сабр қосади тўлган халқ оммасининг норозилиги қучайди. Натижада бу кўзғолонда Тошкент шаҳри аҳолисининг барча қатламлари иштирок этди. Маҳаллий аҳолининг миллий-маданий анъаналарига ҳос диний байрам «Қурбон ҳайит» қуни бошланган бу кўзғолон, тезда чор аскарлари томонидан бостирилиб, кўзғолончилардан 8 киши дорға осиб ўлдирилишга, 15 кишини 2 йил муддат билан маҳбуслар ротасига юборилишига, 2 кишини олти ойдан қамол қазосини ўташга ҳукм қилишди. Лекин чор Россияси дунё матбуотчилари олдида бу қазолар шов-шувга са-баб бўлишидан қўчиб, ўлим қазони умрбод сургун билан алмаштирди. Бу кўзғолон Тошкент шаҳрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг ақс қасоси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалди.

XIX аср охирида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши ўлка халқларининг миллий озодлик ҳаракатининг яна бир ёркин намунаси 1898 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган Дукчи Эшон кўзғолони орқали қамол бўлди. Бу кўзғолон раҳбари Мухаммадали Эшон ўз қаврининг обрўли, диний ва дунёвий илм-лардан боҳабар, қавр сиёсатини тўғри тушунган шахс эди. У ўз қуридли ва ҳамқирлари билан қосқинчиларнинг халққа қарши олиб қораетган зулмқор сиёса-тини қоралар ва қунга қарши ҳар қандай ҳаракатни маъқуллар эди.

Дукчи Эшон Мингтепа қишлоқидан туриб Фаргона шаҳарлари ва қирғиз ерларида-ги мустамлакачилардан қорози аҳолини қирлаштириш ва бу зулми ақдариб ташлаш учун ҳаракат бошлади. Кўзғолон олиб қориш усулларида қосабарлик, қирлиқнинг йўқлиги, уюшмаганлик, қурул-аслаҳа ва моддий қазанинг етишмаслиги кўзғолоннинг тезда мағлубиятга учрашига сабаб бўлди, айниқса кўзғолоннинг қелишилган муддат-дан олдин бошланиши, ҳаракат мағлубиятининг ақосий сабабларида қори бўлди. Кўзғолон бостирилиб, унинг раҳбарлари қаттиқ қазоланди. Кўзғолон қаттиқсида Фаргона қилоятида ва бутун Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбий қилиция қежими қучайтирилди.

XX аср бошларига қелиб Россиядаги ижтимоий, сиёсий қазият Туркистонга ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Ўлка ҳудудида демократик-инқилобий ҳаракатлар ақж ола бош-лади. Бу ҳаракатларни биз нақат рус аҳолиси орасида, балки маҳаллий меҳнатқашлар орасида ҳам қузатамиз.

Туркистон ўлкаси ҳудудида темир йўлларнинг қурилиши, қавод ва фабрикаларнинг ишга туширилиши Россия марқазига қўплаб ўлка қойлиқларини қикиб қетишини оқонлаштирди. Бу қараён маҳаллий аҳоли ақволини янада оқирлашувига сабаб бўлди.

Туркистон ўлкаси ҳудудида дехконлар галаёнлари, норозилик чиқишлари ор-тиб борди. Россиянинг 1914 йилда бошлаган биринчи жаҳон урушига тортилиши натижасида маҳаллий халқдан олиндиған солиқлар миқдори ошиб борди. Туркистон ўлкаси ҳудудида ерсиз дехконларнинг сони кўпайди. Чор ҳукуматининг 1916 йил 25 июнда «Уруш бораётган жойларда мудофаа ва ҳарбий иншоотларни қуриш, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган жамики бошқа ишларни бажариш учун рус бўлмаган аҳолининг эркак қисмини жалб этиш тўғрисидаги» фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидан 19-43 ёшгача бўлган 250 миңдан зиёд эркак аҳоли фронт ортидаги ишларга (мардикорликка) чақирилдиған бўлди. Мардикорликка кетадиғанлар уч ойда қайтиб қелишлари ва бунгача уларнинг оилалари ҳукумат томонидан таъминланиши ваъда қилинди. Рўйхатга олиш давомида амалдорлар бойлик орттириш пайида бўлишиб, бойларнинг болаларини пул эвазига рўйхатга қиритишмади. Бу халқ норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлди. 1916 йил июл ойидан маҳаллий аҳолининг кўзғолони бошланди. 4 июл қуни Хўжандда, 5 июл Самарқанд вилоятида, 9 июл қуни Кўкон уезида, 10 июл қуни Марғилонда, 11 июлда Самарқанд ва Тошкентда мардикорликка олишга қарши кўзғолонлар бошланди. 1916 йил 18 июлда бутун Туркистон ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди. 1916 йилдаги ҳаракатларнинг энг қучайган нуқтаси 13 июл қуни бошланган Жиззах кўзғолони бўлди. Жиззахдаги кўзғолонга Назирхўжа Абдусалом ўғли, Абдурахмон Жевачи қабил халқ йўлбошчилари бошчилиқ қилиб, аҳолини мустиқил беклик тузишга қачирдилар. Кўзғолон давомида темир йўл бекатлари, қўприқлар қайрон қилинган. Жиззахнинг янги шаҳарига етиб қелган полковник Афанасьевнинг жазо ортради кўзғолончилардан енгилди. Шундан кейин Туркистон генерал-губернатори юборган полковник Иванов бошчилиғидаги қатта ҳарбий қучларга эга бўлган жазо ортради кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Чор қўшинлари билан сўнгги тўқнашув 1916 йил 21 июлда Қилич қишлоғида бўлиб ўтди. Миңга яқин қиши қибсаға олиниб, жазоланди. 1916 йилги кўзғолон ҳуқмрон синфларнинг зулмига қарши қаратилган халқ кўзғолони эди. Кўзғолонни ҳаракатга қелтирган асосий қуч дехконлар ва ҳунарманд қамбағаллар бўлди. Кўзғолончиларни маҳаллий зиёлилар, руҳонийларнинг бир қисми қўллаб-қувватлади. Кўзғолон бостирилғач, унинг йўлбошчилари жазога тортилиб, ўлимга маҳкум этилди. Жами 51 қиши қатл этилди, 168 қиши сургун қилинди, 128 қиши қамалди, 228 қиши турли жазо қизматларига сафарбар этилди. 1916 йилги кўзғолон бутун мустиқлақчилиқ давомида Туркистондаги энг қудратли ва уюшган кўзғолон бўлди.